

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 40 (7.033). Sotuvda erkin narxda



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан "Минтақавий хавфсизликнинг долзарб муаммолари ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ташаббуслари" мавзусида ўтган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасида солиқ масалаларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини назорат ва амалий жиҳатларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Тошкент ахборот-технологиялари университети, "INFO.SOM.UZ" ахборот-таҳлилий "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказининг кенгаши каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда аёллар интернет фестивалини ўтказди.

Асака туманидаги "Аҳмадшер даласи" фермер хўжалигида Андижон вилояти кишлоқ хўжалиги ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими С.Бегалиев бошқарди.

Пойтахтимизда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг якуний босқичи бошланди.

Бухорода самбо бўйича аънаванавий Наврўз турнири ўтказилди.

Гулистон шаҳрида қисқа муддатда жаҳон андозалари талабларига мос, миллий ва замонавий меъморий аънаваларини ўзиде мукассам этган янги вокзал биноси барпо этилди.

Асакада бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 56 киши янги иш ўрнига эга бўлди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

"Ташаббус" янги марраларга ундайди



Аввал хабар берганимиздек, Президент соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ҳамда хунармандлар ўртасида ҳар кўнламада ўтказиб келинган "Ташаббус" курик-танловининг бу йилги республика босқичи якунига етди.

Туман, шаҳар, вилоят босқичларида голибликни кўлга кiritиб, олий мукофот учун беллашган 41 нафар ишбилармон томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг 2 кунлик кўргазмаси юқори

оширишга тажриба майдони бўлиб хизмат қилапти-да.

Нихоят кутилган дамлар келди. "Туркстон" саройида танлов голиблирини аниқлаш ва уларни тақдирлаш маросими бошланди. Иштирокчиларнинг бари ҳаяжонда. Ким Президент совринига сазовор бўлади? Ахир мағлуб бўлишни ҳеч ким хохламайди.

Мана, бирин-кетин совриндорлар номи эълон қилина бошланди. "Ташаббус-2006" кўрик-танловининг "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича голиблик Бухоро вилоятидаги "Шахроз-Шахром" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Муҳаббат Тешаевага nasib этди. Тошкент вилоятидаги "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов "Энг яхши фермер", деб топилди. "Энг яхши хунарманд" йўна-



лишида қашқадарёлик Гулнора Одилова голиб бўлди. Уларнинг ҳар бири республика Президентининг асосий соврини - "Матиз" автомобили билан тақдирландилар.

Шунингдек, кўрик-танловнинг асосий йўналишларидан ташқари "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг ёш тадбиркор", "Энг мурувватли тадбиркор", "Талабалар томонидан таъбиқ этилган лойиҳа" ва бошқа бир қанча йўналишлар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, мукофотландилар.

Бу танловда "Энг яхши фермер" йўналишида иккинчи ўринга лойиқ қўрилган Қорақалпоғистон Республикасидаги "Тайымбет" фермер

Яку

хўжалиги раҳбари Сарсенбой Сейтназаровнинг фикри билан қизиқдик.

—Жуда хурсандман, - дейди у қувончини яшира олмай, - иккинчи ўринни олиш ҳам осон эмас. Демак, хали ўрганганим, қилаётганим ишларим кўп. Худо хоҳласа иш суръати ва сифатини ошириб, кейинги йилларда голиб бўлишга ҳаракат қиламан.

—Аввало, биз мулкдор фермерларга шарт-шароит ярати бераётган, ғамхўрлик қилаётган Президентимизга раҳмат айтаман, - дейди совриндор Мухтор Тўхтаниёзов. — Энди билдирилган ишончи оқлаб, республика миёза бозорларини импорт ўрнини босувчи сифатли

Эрта эккан хирмон қилур

Баҳор мамлакатимизнинг бепоён дала-ларида ўз сепини ёйди: дов-дарахтлар қийғос гуллаб, замин яшил либос билан бурканмоқда. Бугун қуёш тигида товляниб, кўклар ёмғирларига чўмилиб, кун сайин эмас, соат сайин кўкка бўй чўзаятган ям-яшил галлазорларга боқиб, кўзингиз яшнайд.

вакти келганлигидан далолат бермоқда. Йилдан йилнинг фарқи бор. Бу йил чигит экинни энг мақбул муддатларда янгулаш чора-тадбирлари кўрилса, кўзланган мақсадга эришилади. Бунинг учун эса ер тайёрлаш ва экиш агрегатларининг узлуксиз, кечакундуз ишлашини таъминлаш, механизатор ва саялкачилар, экишда банд бўлган ишчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни ярати бериш зарур. Ишни шундай ташкил этиш керакки, экишга алоқадор, далада ишловчилар баҳорнинг ҳар дамидан унумли фойдаланишлар. Чўнончи, даладагилар иш ҳақларини ўз вақтида олсалар, оилаларида, рўзгор ташвишларидан қўнғиллари тўқ бўлади, ҳар бир чигит экилаётган пайкал бошида самоварлар қайнаб, қозонда овқатлар пишиб турса, иш унумдорлиги ошади.

Дилинғиз гурурга тўлади.

Бу - нон демак, бу элнинг ризку насибаси. Деҳқоннинг бугунги шаҳиди-шиддати, саяй-ҳаракати галла хирмонларимиз бу йил ҳам сарбалад бўлишидан далолат бермоқда. Дарҳақиқат, деҳқонлар учун ҳар дақиқаси тиллога тенг тигиз ва шошқин кўнлар бошланди. Ахир офтоб елкаларини қиздира бошлади. Ўрик довуна тугди. Ер "эканингн ундираман, айтганингн бераман", дегандек этилиб, хамирдек кўчиб турибди. Тўғри, аслида деҳқончиликда танаффус йўқ. Аммо, баҳор, йил боши Наврўз, ерга уруғ тушадиган бу кўнлар ўзининг масъулияти, залвори билан кишлоқ кишиларини тун-кун бедор этиб, даласи бошидан кеткимиз қўйиши ҳам беҳиз эмас.

Бугуннинг гапи

ҳар бир дақиқаси деҳқон учун ғанимат, тигиз. Эрта эккан хирмон қилур, деганларидек чигит экиш мавсумини ўз вақтида, қисқа муддатларда, сифатли ўтказиш бугуннинг кечиктириб бўлмас, энг долзарб вазифаси.

Деҳқонларнинг бу мавсумдаги қадамлари ҳар қачонгидан дадил. Президентимизнинг деҳқончиликка, кишлоқ хўжалигига катта эътибори ва ғамхўрлиги, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топаётгани кишлоқ ахли руҳини кўтариб, уларни ўз меҳнатига, бугунги ва эртасига ишончини ошириб, янги марралар сари отлантирмоқда.

"Ўзгидромет" маркази берган маълумотлар ҳам тупроқда ҳарорат етарли эканлигидан, чигит экиннинг айна

ришлаш, даладан ўт юлиб келиш, мол-қўй боқиш жараёнида хали кичик ёшда оқотаналари ёнига кириб, меҳнатга қайишиб, халол меҳнатнинг нони ширин бўлишини кўриб-билиб, одоб-ахлоқли бўлиб ўлкадилар. Бундай болаларнинг илғи тўқ, ранги тоза бўлади. Нонуштада бир пиёла қайноқ суғичган, бир тўғрам тандир нонини қаймоққа ботириб ёган бола шамоллаш нима, касаллик нима билмайди.

Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони, чорваси бор хондоннинг рўзгори бут, эртасидан қўнги тўқ бўлади.

(Давоми 3-бетда)

Муносабат

Ғамхўрликнинг ёрқин намунаси

Кишлоқда сигири бор хондонни "қасоби бор", дейишади. Дарҳақиқат, битта яхши говмишингиз бўлса, дастурхонингиздан қаймоқ, сут-қатқаримайди. Бузоғи новвос бўлса-ю, эримасдан боқсангиз, бу тайёр гўшт, ризқ-насиба дегани.

Айниқса, эртаси бўлган, ўсиб келаётган ёш авлодининг тарбиясида, соғ-салолат ўлгайишида оила чорвасининг ўрни беқисс. Шу ўринда чорванинг мўла тарбиясига қандай алоқаси бор, деб ажабланманг. Кузатиб юраман-да, мол-қўйи бор хондоннинг болалари чорвага озуқа экинлари экиб парва-

ришлаш, даладан ўт юлиб келиш, мол-қўй боқиш жараёнида хали кичик ёшда оқотаналари ёнига кириб, меҳнатга қайишиб, халол меҳнатнинг нони ширин бўлишини кўриб-билиб, одоб-ахлоқли бўлиб ўлкадилар. Бундай болаларнинг илғи тўқ, ранги тоза бўлади. Нонуштада бир пиёла қайноқ суғичган, бир тўғрам тандир нонини қаймоққа ботириб ёган бола шамоллаш нима, касаллик нима билмайди.

Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони, чорваси бор хондоннинг рўзгори бут, эртасидан қўнги тўқ бўлади.

(Давоми 3-бетда)

Қарор тарғиботига бағишланди

Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада Республикаимиз Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Шубҳасиз, ушбу тарихий ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка содда, халқона тилда тушултириш, ижросини тарғиб қилиш оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Қуни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида айна шу масалага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Уни Республика Бош вазири матбуот котиби Шерзод Қудратхўжаев олиб борди.

етиштириш билан шугулланувчиларга меҳнат дафтарчаси юритилади. Уларнинг бандлик даври пенсия фондида сугурта бадали тўланган тақдирда пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига киритилади.

Шу кўнларда кишлоқ жойларда кам таъминланган, кўп болали оилаларни аниқлаш ишлари олиб бориляпти. Чунки ҳар бир тумандаги ана шундай оилаларнинг 100 тадан 200 тасигача бир бошдан соғин сигир хомийлик асосида берилади. Бу республика бўйича 20 миң оилага, дегани.

Йилгилида Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда кишлоқ хўжалиги кооперативларини (шир-катларни) фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори

Этироф этиш керак, маъзур қарор кишлоқ жойларда аҳолининг бандлик даражасини кўтариш воситасида уларнинг турмуш фаровонлигини ҳамда даромадини ошириш сари қўйилган муҳим қадам бўлди. Чунки қарор шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорвачиликни ривожлантиришга зарур ҳуқуқий-иқтисодий шароитларни ярати беради. Бу ҳақда Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Абдувоҳид Жўраев анжуман қатнашчиларига батафсил маълумот берди.

Йиғилишда тасдиқланшича, энди қорамол боқиш ва чорвачилик махсулотлари

ҳамда жорий йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва шу хусусдаги қарори бўйича ташкилий ишлар тугалланганлиги ахборот учун айтилди. Яъни 70 миңдан ортиқ янги фермер хўжалиқлари ташкил этилиб, фермерларнинг жами сони қарийб 200 миңга етди. Бу кишлоқда мулкдорлар синфининг янада кенгайганидан далолат.

Анжуман сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. (Ўз мухбиримиз)

Анжуман

Ҳамкорлик янада мустақкамланади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи олдидан

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Корея Республикаси билан ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутаяди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг маданий алоқалари ривожига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корея маданияти марказлари ҳам муносиб хисса қўшиб келмоқда.

Ташкилотимиз 15 йилдан буён фаолият олиб бораётди, - дейди Корея маданияти марказлари уюшмаси раиси Владимир Шин Ўза мухбирига. - Унинг асосий мақсади Ўзбекистонда истиқомат қилувчи корея миллияти мансуб фуқароларнинг миллий маданияти ва урф-одатларини сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказишга хисса қўшишдан иборатдир. Бу борда давлатимиз раҳбари Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллият, дини ва этникликдан қатъи назар барча фуқароларнинг яшаши, меҳнат қилиши, таълим олиши - барча конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланиши учун тенг шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Жумладан, жанубий кореялик миллиятдорларимиз ҳар гал Ўзбекистонга келганларига корея маданий марказлари учун яратилган шароит бошқа мамлакатларда

гига нисбатан анча яхши эканини таъкидлашади. Уюшмамиз мамлакатимиздаги барча вилоятларда ўз бўлиmlарига эга. Бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маданий ва хайрия тадбирларини ўтказиш яхши аънамага айланган. Хусусан, корея тилини ва корея миллий рақсларини ўрганоқчи бўлганлар учун махсус курслар ташкил этилган. Уюшмамиз ҳузурида шоир, ёзувчи, рассом, ҳайкалтарош, хонанда ва созанда каби ижодкорларни ўзда бирлаштирган санъаткорлар гильдияси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Утган йилнинг сентябрида уюшмамиз тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистонда ижод қилаётган корея мунаввирлари асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда Николай Пах, Николай Шин, Искра Шин, Александр Ли, Микрон Хегай, Лана Лим, Светлана Цой каби мўйқалам соҳибларининг икки юздан ортиқ ижод намунаси намойиш этилди.

Юртимизда - Корея Республикаси, Кореяда эса Ўзбекистон маданияти кўнлари ўтказиш яхши аънамага айланган. Уни ташкил этишда Корея маданияти марказлари уюшмаси ҳам фаол иштирок этиб келаётди. 2005 йилнинг октябрида

Тадбир

Шахрисабз шаҳрида Қаршининг 2700 йиллиги ҳамда Амир Темур таваллудининг 670 йиллик юбилейига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академик Яҳё Фуломов номидаги "Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи" доимий илмий семинарининг "Наҳшаб - Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида" мавзусида 38-йиғилиши ҳамда "Темурийлар даври тарихи ва маданияти" мавзусида амалий конференция ўтказилди.

Анжуманда "Қадимий Наҳшаб ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни", "Ўзбекистонда илк шахарсозлик ва Наҳшаб",

Тарихингдир минг асрлар...

"Қадимий Насафинг табиий хомашё ресурслари", "Мустақиллик йилларида Қарши шахрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти", "Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда этник жараёнлар", "Темурийлар даври китобат санъати тарихидан", "Соҳибқирон ва Боязид Йилдин муносабатлари ҳақида", Ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихи" асари ҳамда темурийлар даври давлатчилигига оид мавзуларда илмий маърузалар тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев қатнашди.

Фахриддин БОЗОРОВ

Темур ишончни оқлади



ФЕРМЕР

№ 5

Рақамлар сўзлайди

● Вилоятда фермер хўжаликлари сони 5673 та бўлиб, уларга ажратилган ер майдони 150530 гектарни, шундан экин экиладиган ер 75728 гектарни ташкил этади. Хар бир фермер хўжалигига ўртача 26,5 гектар ер майдони тўғри келади.

● Мавжуд фермер хўжаликларида 26901 киши меҳнат қилмоқда. 2005 йилда 756 та янги фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларга 27894 гектар ер майдони берилди.

● Вилоятдаги фермер хўжалиklarининг 3365 таси пахта-галлачилик, 846 таси чорвачилик, 1296 таси мевасабзавотчилик, 138 таси турчилик, 22 таси балчилик, 8 таси асаларчилик йўналишида фаолият кўрсатмоқда.

● Вилоят "Қишлоқхўжаликким" ҳудудий хиссадорлик жамияти бўлимлари билан 3300 фермер хўжаликлари ўртасида 10688 тонна азотли, 2548 тонна фосфорли, 640 тонна калийли ўғит етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилиб, ҳозиргача 9708 тонна азотли (91 фоиз), 1206 тонна фосфорли (48 фоиз), 219 тонна калийли (35 фоиз) ўғит етказиб берилди.

● Навоий "Нефтмаҳсулотлари" унитар корхонаси томонидан йил давомида агротехнологик карталарга асосан пахта ва галла етиштирувчи фермер хўжаликлари 9770 тонна дизел ёқилғиси етказиб берилди. Бундан ташқари, товар хом ашё биржаси орқали фермерларга 3442 тонна дизел ёқилғиси, 2123 тонна автобензин сотилди.

● Фермер хўжаликлари молиявий қўллаб-қувватлаш борасида давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштирувчи фермер хўжалиklarидан 2282 та пахта етиштирувчи фермер хўжалигига 9969,3 миллион сўм, 428 та галла етиштирувчи фермер хўжалигига 357,1 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратиб берилди. Вилоят тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан йил давомида фермер хўжалиklarининг ривожлантириш мақсадлари учун 1730 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари берилди.

● Фермер хўжаликлари томонидан ўтган йили 16087 тонна сазбавот, 1477 тонна картошка, 5624 тонна полиз маҳсулотлари, 7856 тонна гўшт, 5588 тонна сүт, 749 минг дона тукум, 3915 дона қоракўл тери, 856 центнер жун, 320 тонна пилла ишлаб чиқарилди.

Масъулият ҳисси

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил сиёсат туфайли барча соҳаларда бўлганидек, аграр тизимда ҳам ижобий натижалар яққол кўзга ташланаётган. Ер ўз эгасини толмоқда. Фермерлар агротехника ва фан ютуқларига таяниб, нималарга қодирликларини намойиш этишаётган.

Соҳадаги янгиланишлар мулкдорлар қатламининг мустақамланиши ва камол топишига олиб келмоқда. Булар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорининг ошишига, таннархининг пасайиши, сифатининг яхшиланишига имкон яратаётган.

Мураккаб иқлим шароитида матонатли меҳнат қилаётган Навоий вилояти фермерлари Истиклолнинг ўн бешинчи баҳорини аҳиллик ва кўтаринки кайфият билан кутиб олдилар.

"Фермер"нинг бу галги саҳифасида навоийлик мулкдорларнинг интилишлари, орзу-ўйлари ҳақида яқиндан танишасиз.

Биз яшаётган қишлоқда 45 хўжалик истикома қилади. Уларнинг турмуш тарзи менга кундай равшан.

Ўғилларим – Жамол сувчи, Тўймурод тракторчи, Азиз ишчи. Тўрталмиз кўрғонда сувнинг қаёққа оқишини тўғри англаймиз.

Кўшилиримиздан бир эрхотин тўрамоғимиз бор. Бу оилани ўз қарамоғимизга олдик. Яқинда қишлоқдаги 12 та кам таъминланган оила фарзанд-

ларининг мучал тўйини ўтказиб бердик. Янги йил арафасида қишлоқ аҳолисига байрам дастурхони ёзиб, ош дамлаттирдим ва сумалак пиширдим. Хар йили кўрғонимизда

риб, саховотпешалик ишларини кўпайтиришди.

Хосият ИСКАКОВА, Қонимех туманидаги "Жаҳон" фермер хўжалигининг раиси, "Шухрат" медали соҳибдори.



Саховат

Наврўз байрамини кенг нишонлаймиз. Унга эл суйган санъаткорларни тақдиф қиламиз.

Мақсадим – ердан олинадиган ҳосилдорликни оши-

Изоҳ:

"Жаҳон" фермер хўжалиги фаолиятини бошлаганига ўн йил тўлди. Жамоа ўн гектар ерда пахта, ўн гектар ерда дон етиштиради. Бултур хар гектар галла майдонидан 40 центнердан, пахтазорнинг гектаридан 44 центнердан ҳосил йиғиштирилади.

Чўлдан топилаган хазина



Маълумот ўрнида: "Валиобод" ўртачўлдаги иқтисоди ночор 3 ширкат негизига ташкил этилган 300 га яқин фермер хўжалигининг сардори. У 1999 йили иш бошлаган. Ўтган йил хўжалик 50 миллион сўм даромад қилди.

Ўртачўлда кимлар келмади. Уларнинг қанчаси хазина излади. Хазина эса тупроқ қатнада эди...

Мана шундай фараҳбахш кўнларнинг бирини шароити ўта оғир чўлга йўл олдим. Уша вақтда "Тошробот" ширкат хўжалигида механизаторлик қилар эдим. Ихтиёримга 78 гектар ернинг тақдирини ишониб топширишди. Аслида бу чўлда бир вақтлар II давлат хўжалиги бор эди. Жаммаси зарар кўрарди. Хар гектар ердан 10-12 центнердан кўп ҳосил олишолмасди. Бу янчили ҳолатдан қиш фермерлар гарданига катта масъулият юкляди.

Янги замон одамлари ишга киришди. Меҳнатга яраша имкониятлар топди. Хўжалигимиз ўтган йили 35 гектар галла майдонидан 60 центнердан дон олди. 15 гектар пахтазордан 85,5 тонна дурдона жамғарилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 57 центнерни ташкил этди.

Бугунги кунда 5 та техникамиз бор. Улар узогимизни яқин, мушкуллимизни оосон этмоқда. Ўрни келганда таъкидлаш керакки, бу "пўлат отлар" ҳукуматимизнинг имтиёзли кредити кўмаги билан олинди.

Ўртачўл фермерлар кўлига ўтгандан бери йилдан-йил обод ва кўркамлашяпти. "Целиник" кўрғонига табиий газ келтирилди. Яна шундай иккита аҳоли пункти бор. Улар ҳам бу имкониятдан фойдаланса чўл одамларининг меҳнат ютуғи янада ошган бўларди.

Яна бир ўйлантирадиган масала. Сарф қилинган меҳнатга нисбатан олинаётган ҳосилни кўпайтириш имкони бор. Бирок айрим ернинг балл бонитети пастлиги бунга имкон берамаяпти. Жойларда бундай муаммоларни ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги ва Экология қўмитасига тақлиф киритиш ўйимизда йўқ эмас.

Раъно ВАЛИЕВА, Қизилтепа туманидаги "Валиобод" фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Бир йилда бой бўлиш мумкинми? Ишлаган одам, албатта, бўлади. Меҳнатни хуш кўрмайдиган киши эса баҳона ахтарди, оқибат бир умр қосаси оқармайди.

Хўжалигимиз тасарруфида 140 гектар ер мавжуд. Бунинг 70 гектарига чорвачилик учун озубабоп экинлар экилади. Айни пайтда 301 бош зотли қора молимиз бор. Уларни бир йилда 80-90 бошга кўпайтириш мумкин. Лекин ем қиммат. Етмайдиган мол озубасини бошқа жойлардан сотиб олмақдамиз.

Сутни касалхона, болалар боғчаларига, Оқтошдаги сут заводиға топшираямиз. Хар бир литри 150 сўмга. Бу, албатта, паст нарх. Яқинда бўрдоқчилик комплекси қуриб ишга туширдик. Унда 60-70 бош мол боқилади.



Чорвачилик даромад манбаи. Фақат касб сирини билиб, иш оби-тобида бажарилса бўлгани. Кўнглимда кўпдан бери бир оғриқ бор. Ем олишда қийналамиз. Биржалар мол сонига қараб, фермерларга бир олишда 20-30 тонна ем ажратса, дейман. Ахир сиғир сути – оғзида, деган гап бор-ку.

Баҳрон ЭШНИЕЗОВ, Хатирчи туманидаги "Истиклол-10 йиллиги" фермер хўжалиги раҳбари.

Бой бўлиш сири

Эндиги ниятимиз мини сут заводи қуриб, меҳнатимиз қадрини ошироқчимиз.

Давлатимиз раҳбари фермерларни ўз ҳимояларига олган. Бу эъзоз толеимизни ярқиратмоқда. Кейинги йилларда хўжалиқлар фаолияти хар 2-3 йилда бир марта текширувдан ўтказилапти. Бу қонунларимизнинг адолатпарварлигидандир. Ваҳоланки, бундан олдинроқ хар йили 2-3 марта 15-20 кўнлаб тафтишчилар билан банд бўлардик.

Мулдоҳаза

Қисқа сатрларда: Фермер ўтган йили 34 гектар ерда чигит ундириб, 140 тонна пахта, 16 гектар галлазордан 117 тонна дон олди. Йиллик даромади 82 миллион сўмни ташкил этди. "Истиклол-10 йиллиги" фермер хўжалигида 126 киши ишлайди. Чорвачиликда меҳнат қилаётганларнинг ўртача иш ҳақи 56-57 минг сўмни ташкил этди. Сўнгги йилларда фермер қишлоқ йўлларини таъмирлашга ўн миллион сўм, маҳалла қурилишига 800 минг сўм маблағ, бултур Наврўз байрами учун эса 860 килограмм гуруч ажратди. Яқинда ҳам байрам дастурхони ёзиб, дехқонларга зиёфат уюштириб, уч миллион сўмлик эсдалик совғалар инъом этди.

Эндиги ниятимиз мини сут заводи қуриб, меҳнатимиз қадрини ошироқчимиз. Давлатимиз раҳбари фермерларни ўз ҳимояларига олган. Бу эъзоз толеимизни ярқиратмоқда. Кейинги йилларда хўжалиқлар фаолияти хар 2-3 йилда бир марта текширувдан ўтказилапти. Бу қонунларимизнинг адолатпарварлигидандир. Ваҳоланки, бундан олдинроқ хар йили 2-3 марта 15-20 кўнлаб тафтишчилар билан банд бўлардик.

Ниятимиз ҳолис

Ерга эғалик қилиш, мулк эгаси бўлишни қанча кутдик. Пешонада бор экан, орзуларимизга ушладди. Ҳамёнимизга пул солиб, техника бериб: қой, биродар, қараматингни кўрсат, деди ҳукуматимиз.

Шунча имтиёзга биз иймон билан жавоб беришимиз керак-ку. Қўмликларга туташиб кетган ўн гектар ерда дехқончилик қиламиз. Оиламиздаги уч ишловчи хар қуни пайкал айланар экан, тангри-

дан: ўзинг акканизимнинг бағорини бер, юзимизни шувут қилма, деб меҳнат қиладиди.

Авалло, ерни текисладик, маҳаллий ўғит солиб чуқур шудорладик. Н а т и ж а д а кейинги беш йилда хар гектар галлазордан олинган 8 центнер ҳосил ўрнига 55 центнердан сара дон янчиб олаямиз. Билдирилган ишончли оқлаганимиздан сўнг туман ҳокими даламизга туташ

7 гектар ерни ҳам ихтиёримизга берди. Ўтган йили бу майдонга экилган чигитнинг хар гектаридан 33,4 центнердан, жами 33 тонна хирмон кўтардик. Ернинг бир қисмида озубабоп экинлар қабоб экинлар ўстирдик. Чунки 10 бош қорамолимиз, 80 бош қўй-эчимиз бор.

Бугунги фермер ҳамма нарсадан хабардор бўлиши керак. Ушанда фермер, демакки, давлат ҳам бой бўлади. Бу мақсадга ният ҳолис



бўлиб, астойдил меҳнат қилинса эришиш мумкин. Неъматулла Мустафоев, "Сардор" фермер хўжалиги раиси, Қонимех тумани.

Вақт ҳисоб сўрайди

Фермер хўжаликлари вилоятда маҳсулот етиштирувчи асосий кўчга айланди. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, улар хар гектар пахта майдонидан 266 минг, хар гектар галлазордан 140 минг сўмдан соф фойда олишга эришдилар.

Бу – Юртбошимизнинг ташаббуси билан паст рентабелли хўжалиқлар базасида адолат мезонига фермер хўжаликлари ташкил этилаётганини туфайли. Натижада экинлар ҳосилдорлиги пахтадан 5-8 центнерга, галладан 10-13 центнерга кўпайди. Моддий-техника ресурсларидан ўринли фойдаланиш эъзиви 25 фоиз тежамкорликка эришилди.

Ўтган йилда ҳам Қизилқум саҳросига туташ пахта майдонлари баракали ҳосил олинди. 2599 фермер хўжалиги 27440 гектар пахтазордан 79240 тонна дурдона топшириб, шартномавий режа 106 фоизга бажарилди.

Яқиндагина "Сифат" Ўзбекистон пахта толаси-ни сертификатлаш марказидан кувончли хабар олинди. 2005 йилда республика пахта тозалаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган толаннинг сифати 2004 йилдагига нисбатан 4,9 фоизга ошган.

Бу республикамиз вилоятлари бўйича 2006 йил 28 феврал ҳолатига қўра сертификатланган пахта толасининг ўртача ваъзий нави ва сифатининг кўрсаткичлари ҳақидаги солиштирма маълумотдир. Унда навоийлик фермерлар ва дехқонлар етиштирган пахтадан олинган тола сифатининг энг баланд миқдори 91,7 фоизга кўтарилгани ва улар Диплом ҳамда Кубок билан тақдирланганликлари қувонарли ҳолдир.

Бу вилоятда ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида изчил ва самарали иш олиб борилаётганидан далолатдир. Фарход ТўХТАЕВ, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Навоий вилоят филиали кенгаши раиси.

Фаровонлик калити

Фермер хўжалигимиз ташкил этилганига олти йил тўлди. Ўтган йиллар мобайнида режаларни ошиғи билан урдалаб келаямиз.

Ўтган йили хар гектар пахта майдонидан 60 центнердан, галлазордан эса 70 центнердан ҳосил олдим. Кўпчилик, "Бунинг сири нимада?" – деб сўрайди. Бунинг сири оқилона меҳнатда. Аввало, ерни озиклантириш учун маҳаллий ўғитга кўч бераман. Бундан кўч олиб, аниқ мақсадни қўлаб меҳнат қилса, ҳеч қачон кам бўлмайди, юрт обод, халқ фаровон яшайди.

Умркул НАРЗУЛЛАЕВ, Нурота туманидаги "Умрбек" фермер хўжалиги раиси.

Интилиш: Майдонларнинг текис бўлишини эктираман. Ер ҳақини вақтида узаман. Ишловчи кечиктирсам, ишнинг эиби етади. Ехуб РАЖАБОВ, Кармана туманидаги "Шероод" фермер хўжалиги раҳбари.

Имконият

Мулкдорга елкадошмиз

Вилоятимиздаги қишлоқ хўжалик корхоналарига молиявий лизинг асосида етказиб берилган 718 дона қишлоқ хўжалик техникаларининг 497 таси фермер хўжалиқларига теғди. Бу техникаларнинг умумий қиймати ўн миллиард 886 миллион сўмни ташкил этади.

2006 йилнинг 1-чорагида бу миқдор бир миллиард сўмга етди. Яъни 46 фермер лизинг асосида 74 дона қишлоқ хўжалик техникасини олди. Жорий йилда 50 дона ТТЗ русумли чопиқ трактори, 2 дона МХМ-140 русумли ҳайдов трактори, 25 дона ГПТ-4 русумли трактор тиркамаси, 30 дона хар хил русумдаги қишлоқ хўжалик агрегатлари етказиб бериш режалаштирилган.

Хотам АТОКУЛОВ, "Ўзқишлоқхўжалик-машинизинг" АЛК Навоий вилоят филиали директори ўринбосари.

Изоҳ:

"Янги ер" фермер хўжалиги тасарруфида 92 гектар экинзор бўлиб, унинг 62 гектариди пахта экилади. Ўтган йили жамоа хар гектар ердан 42 центнердан, жами 265 тонна пахта етиштирди. Тайёрланган дон 165 тоннани ташкил этди. Ҳосилдорлик галланинг гектарига 55 центнерданга тўғри келди. Фермер хўжалигининг йиллик даромади 110 миллион сўмни, соф фойда 28 миллион сўмни ташкил этди.

"Топганимиз ўртада"

Тоғай Раҳматов 31 йил пахтачилик билан шуғулланган. Олти йилдики "Янги ер" фермер хўжалигининг раҳбари. Бу тажрибали инсон нафақат Навбахор туманида, балки вилоятда меҳнат ютуқларини хайрли ишлари билан тилга тушган. Унинг сўзларига бир қулқ тутинг-а:

– Пахта кун санайди. Экиннинг бу ҳислати дехқондан ўз вақтида ва сифатли ишлашни талаб этади. Бунга эришмоқ учун одамлар билан тил топа олиш лозим. Бунинг калити – моддий манфаатдорликда. Шунинг учун оилам иқтисодиға қандай қайгурсам, ўзим билан ишлайдиганларнинг рўзғори бут бўлиши ҳақида ҳам шундай ўйлайман.

Бу хушёрлик мени руҳан енгил этади. Дехқонларимга ойма-ой нақд пул – маош бераймиз. Масалан, ўтган йил якунида соф фойда ҳисобидан қўшимча равишда улар-

га 20 миллион сўм тарқатилди. Наврўз байрами арафасида эса ишчиларга мукофот тариқасида яна етти миллион сўм берилди. Хуллас, хўжалигимизда ишлаётган 54 та оилага имкониятдан келиб чиққан ҳолда муносиб турмуш тарзини яратиб бераймиз.

Буларнинг бари ернинг орқасидан. Ерга қарасанг – ер сени боқайди, деганларича бор экан.



Рағбат

Ғамхўрликнинг ёрқин намунаси

(Боши 1-бетда)

Чорвадор хонадон соҳиби Маошимдан жамғариб, янги ўқув йилига болаларини кийинтирсам, дея ташвиш чекмайди, кундалик харажатлардан, ейиш-ичишдан тежаб, қисиниб-қимтинмайди. Оиласидегиларни кийинтириши керакии ёки бошқа камчилиги борми, битта боқадган новосини бозорга олиб чиқиб, кичикроғига алмаштиради, олам гулистон.

Хонадон чорваси - хонадон хазинаси. Ризқ-рўз манбаи... Матбуотда Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллари кўпайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўқир эканман, хаёлимдан ана шулар ўтди. Умр бўйи қишлоқда яшаётган бир кекса мураббий, меҳнат фахрийси сифатида қувондим, рости. Бу қарор давлатимиз раҳбарининг қишлоқ меҳнатқашларига қўрсатган яна бир аjoyиб ғамхўрлиги бўлди.

Қишлоқда кўпчилик мол боқади. Лекин, очигини айтиш керак, мол-қўй боқишга имкони, истак-хоҳиши бор-у, ammo тирикчилигидан орттириб, хонадонда чорва сақолмаётган, серферанд оилалар ҳам бор. Шу нуктаи назардан қарорда таъкидланганидек, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига қорамол сотиб олишлари учун микрокредитлар ажратилганидан бўлган, ҳатто хайрига йўли билан "эҳтиёманд ва кўп болали оилаларга, энг аввало, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалари бўлган оилаларга" бир бошдан ситир бериш кўзда тутилганлиги жуда ҳам савобли иш, албатта.

Халқда бўлса, бозорда бўлади. Қарорда чорваси бор хонадонларни, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларини омихта эм ва ширали озуқа билан таъминлаш ҳам айтилганки, бу шубҳасиз, аҳоли чорвасини ривожлантиришга, пировад натижада эса бозорларимиз сероблиги ва дастурхонларимиз тўкин-сочинлигига олиб келади.

Мени қарорда алоҳида ургу берилган яна бир ғамхўрлик, айниқса, кўнглимни тўлдирди. У ҳам бўлса, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилиши ва қонунга мувофиқ пенсия билан таъминлаш ҳуқуқига эга бўлишидир.

Шу ўринда юрагимнинг бир четига озгина бўлса-да соя солиб турган мулоҳазани ҳам айтмай-да. Жойбардаги маҳаллий хожимият вакиллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қарорни ҳаётга жорий этишда адолат мезонларини ҳамма нарсадан устун қўйишлари, аҳолига хайрия йўли билан чорва моллари тарқатишда таниш-билишчилик, ошана-оғайнигарчилик ва тамағирлик иллатларидан бутунлай фориғ бўлишлари керак.

Президентимизнинг бу қарори биз - қишлоқ меҳнатқашларига қўрсатилган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Эндиликда бу муҳим ҳужжат аҳоли шахсий чорваси ривожига, пировад натижада эса, дастурхонларимиз тўкин-сочинлигига, эл-юрт фаровонлигига хизмат қилади.

Омулло МУСАЕВ, меҳнат фахрийси, Норин тумани.

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ:

Бўлажак иқтисодчилар камол топмоқда

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти республика миқёсида юқори малакали иқтисодчилар, молиячилар ва сервис хизматлари тайёрлайдиган нуфузли олий ўқув юртиларидан бири ҳисобланади.



Юртимизда амалга оширилётган иқтисодий ислохотлар, хизмат соҳасидаги ўзгаришлар, янгиланишлар мутахассисларни билимли ва зукко қилиб тарбиялашга тақозо қилаётди. 2004 йил 26 мартда Вазиirlар Маҳкамасининг "Самарқанд кооператив институти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига айлантириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Ҳукумат қарорига кўра институти зиммасига халқаро туризм, туризм менежменти, туризм бўйича оператив хизматлари бизнеси хизмат қўрсатиш соҳаси тармоқлари иқтисодиёти ва уни ташкил этиш, молия, банк, сугурта хизматлари соҳасини ташкил этиш ҳамда бошқа янги ўқув йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилди. Айтиш мумкинки, бу вазифани жамоа уддалаб келмоқда. Институти таълимнинг барча босқичларини ўзида муҷассам этаётган замонавий олий ўқув юртидир. Бу ерда иқтисодиёт ва менежмент, сервис ва туризм, банк-молия хизматлари ва қайта тайёрлаш-малака ошириш маркази, уни тўртта кафедра, олтинчи тўртта ўқув аудиторияси, тўққизта компьютер синфлари бўлиб, саккизта талабага ўрта ҳисобда битта компьютер тўғри келади. Илм даргоҳида бизнес мактаби, лицей ва лицей интернат мавжуд.

Институтида ўн учта ўқув йўналиши бўйича иқтисодиёт, молия, менежмент, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, бизнес, туризм маркетинги, туризм менежменти, туризм бўйича оператив хизматлари, банк иши, сервис, тармоқлар бўйича товаршунослик ва товарларнинг тижорат экспертизаси, касбий таълим бакалаврият, еттирта мутахассислик бўйича, молия, пул муомаласи ва кредит, менежмент, бухгалтерия ҳисоби, аудит бўйича магистрлар тайёрланади. Йирик илмий салоҳиятга эга бўлган мазкур ўқув даргоҳида халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали профессор-ўқитувчилар фаолият қўрсатади. Иқтисодий таҳлил, менежмент, маркетинг, молия ва кредит фанларидан йирик илмий мактаб яратилган.

Сир эмас, ҳамият ривож ва тарраққилиши бухгалтерия ҳисоби ва назоратсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Институти ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида ушбу мутахассислик бўйича кўп қабатли тайёрлаб келди. Т.Абдуқаримов, К.Пардаев, Н.Мусаев, Р.Абдуллаев, К.Урозов сингари иқтидорли олимлар ушбу соҳа ривожига катта ҳисса қўшган устозлардир.

- Кадрлар тайёрлаш Миллий дас-

тури нафақат замонавий етук мутахассислар, балки юксак фазилатларга эга ватанпарвар шахсларни камол топтиришга қаратилган, - дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисод фанлари номзоди Ғайрат Қудратов. - Институтида айни пайтда янги таълим технологияларини жорий этиш ва ўзлаштириш борасида бир талай ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Институтида қошида иқтисодий болалар лицейи, турли йўналишдаги тайёргарлик курслари фаолият қўрсатаётди. Бизнесинг зиммасига ниҳоятда масъулиятли ва шарафли иш, яъни Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори бўлган баркамол авлоднинг тарбиялаш вояга етказиш вазифаси юклатилган. Бу, ўз навбатида, педагог кадрлар билиминини узлуксиз



ошириб боришни тақозо қилади. Бу жараёнда эса кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими муҳим ўрин тутаяди.

Ғайрат Ҳикматовичнинг эътирофи эътиҳон, институти кафедраларида давр талаби асосида ўқув-лаборатория базасини янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, илмий ва услубий ишларни компьютер технологиялари билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Институти олимлари чет элданги бир қатор институтилар билан ҳамкорликда самарали фаолият олиб бормоқда. Олийгоҳда халқаро интернет тармоғига эга махсус синфхона ва кутубхона мавжуд.

Маълумки, барча замонларда ҳам талаба ёшларга сабоқ бериш ниҳоятда масъулиятли иш саналган. Сабаби - ёш авлоднинг бугун олган таълим-тарбияси ҳамиятнинг эртага қай даражада ривожланишига катта таъсир қўрсатувчи омилдир. Шу нуктаи назардан қараганда, бир ўқув масканида узлуксиз узок йиллар ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бу узок муддат давомида бир-биридан кескин фарқ қилувчи бир қанча авлодларни ўқитишга тўғри келганидек, бу давр ичида ҳамиятнинг ўзида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлиши ва унинг талаб ва эҳтиёллари ўзгариб кетиши табиийдир. Бундай талаб ва эҳтиёлларга ҳозиржавоблик қўрсатиш учун анча-мунча ирода керак.

Муаллимлар фалсафа фанлари доктори, профессор Соҳибназар Каримов, иқтисод фанлари номзоди, доцент Ҳ.Иброгимов, иқтисод фанлари доктори, профессорлар Р.Зайнолов ҳамда Н.Ҳоджаевлар узок йиллардан бери Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бўлажак иқтисодчиларга сабоқ бериб келаётган

фидойи инсонлардир. Бу устозларнинг ҳар бири ўз касбига садоқати, ҳаётсеварлиги, аjoyиб инсоний фазилатлари билан доимо талабалар меҳрини қозониб келади.

Маънавият - кенг қамровли тушунча. Маънавият, қайсидир маънода, ҳар бир халқнинг ўзлигини қўрсатиб туради. Шу боис уни ҳамиятнинг устуни, дейишди. Институтида амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар асосини, даги тайёргарлик курслари фаолият қўрсатаётди. Бизнесинг зиммасига ниҳоятда масъулиятли ва шарафли иш, яъни Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори бўлган баркамол авлоднинг тарбиялаш вояга етказиш вазифаси юклатилган. Бу, ўз навбатида, педагог кадрлар билиминини узлуксиз

қисқа вақтда илм масканида умумий маънавий ўсишга, талаба-ёшларнинг савияси кўтарилушига эришилди, - дейди маънавият-маърифат масалагари бўйича проректор, фалсафа фанлари доктори, профессор Соҳибназар Каримов. - Бу жараёнда маънавий қадриятларга эътибор кучайди. Талабаларимиз турли қўриқ-танловларда, фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Шунингдек, волейболчи қизлар жамоамиз олий лигада иштирок этиб, 2005 йилда иккинчи ўринни эгаллади. "Универсиада 2004" талабалар спорт мусобақасида эса фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди.



СамИСИ - туризм соҳасида етакчи олий ўқув юртиларидан биридир. Мамлакатимиз истикболи, иқтисодиётимиз ривож кўп жиҳатдан шу соҳанинг тараққиётига боғлиқ. Билим



даргоҳимиз "Туризм менежменти", "Туризм маркетинги", "Туризм оператив хизматини ташкил этиш" ўқув йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган мамлакатимиздаги ягона маскандир. Ушбу соҳада таълим олувчилар Самарқанддек йирик туристик салоҳиятга эга бўлган вилоятда назария билан амалиётни уйғун ҳолда ўрганиб боришмоқда.

Институтида "Иқтисодиёт ва сервис" деб номланган газета чоп этилади. Унинг саҳифаларида таълимдаги ўзгаришлар, бу ердаги янгилликлар тўлақонли ва қизиқари тарзда ёритиб борилади. Газетага Жумакул Каримов муҳаррирлик қилмоқда. Самарқанд туманига қарашли баҳаво, хушманзара тоғ бағрида жойлашган Миронкул дам олиш маскани қаҳқанда эшитгандирсиз? Институтига қарашли, 3 қават қабатли қўриқдан мазкур сиаҳтоҳ 2004-2005 йилларда қайта таъмирланди. Бу ерда бир ойнинг ўзида 150 нафар профессор-ўқитувчи ҳамда талабалар мириқиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Бир мавсумда эса бу қўрсаткич 480 нафарни ташкил қилади.

Дам олиш масканимизнинг иш бошлаганига анча йил бўлди. Бу ер ҳар йили ёз мавсумида талаба ёшлар билан гажум бўлади, - дейди мазкур дам олиш маскани бошлиғи Сўбхон аха Эргашев. - Шу сабабдан ҳам маскандан барча шарт-шароитлар яратилган. Уч маҳал иссиқ овқат берилади, 5,5 гектар боғимизда етиштирилган мева-чевалардан қўнчилик баҳраманд бўлмоқда. Ёзда бассейн доимий тарзда ишлаб туради.

Институти бош хисобчиси Жамшид Қўчаровнинг таъкидлашича, институти моддий-техника базаси йил сайин яхшиланиб бормоқда экан. Шу бошдан янги компьютерлар келтириляётди. Халқаро аҳамиятга эга бўлган семинарлар, симпозиумлар ташкил қилинмоқда. Толиби илмларга илм-фан сирларини ўргатиш, таълим жараёнини фаол олиб бориш учун етарли шарт-шароитлар яратилган.

Сирасини айтганда, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида илмга, иқд ва маърифатга ошфта талаба ўғил-қизлар вояга етмоқда. Ҳа, кўп қабатли кўп қабатли улуғ инсонлар етишиб чиқади. Бунга сира шубҳа йўқ.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



Яхши хабарлар

"Котонтех" ишга тушди

Боғот туманида "Котонтех" Ўзбек-Турк қўшма корхонаси ишга туширилди.

Бу ердаги трикотаж мато ҳамда тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастохларнинг қувайти йилга 450 тонна трикотаж полотно ва 900 минг донна кийим-футболкалар тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, корхонанинг йиллик экспорт салоҳияти 1 миллион АКШ долларини ташкил қилиши, соф фойданинг 101275 минг сумдан ошиши кўзланмоқда. Дастлабки маҳсулотларини чиқара бошлаган корхонадаги ишчи ўринлари сони йил охиригача 200 тага етказилади.

Холмурод ҚУРБОНОВ "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

"Менда фикр бор..."

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган "Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида"ги, "Телевизиошунтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокама этилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мамадрий ЗИЁДИНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

РОССИЯ - ХИТОЙ:

Алоқалар кенгайди

Владимир Путин Россияга президент бўлиб сайланган дастлабки йиллардан Хитой билан ҳамкорликнинг истикболлари кўзланган йўлни танлади ва натижада 2001 йилда икки давлат ўртасида яхши қўнчилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Бу икки давлат раҳбарлари ўтган йили XXI асрдаги Халқаро тартиб тўғрисида қўшма декларация имзоладилар. Унда хозирги замонавий энг муҳим муаммоларига ёндашишнинг мос келиши ва жаҳон қўрилишининг мақсадаги мувофиқ ечимлари тарафдорлари кўз қарашларини шакллантириш ифодаланган.

Россия билан Хитойнинг долзарб халқаро масалаларга ёндашувларидаги яқин ҳамкорлигини ва кўп жиҳатдан яқинлигини, умуман, ечим топишда биргаликда қилинаётган сўй-ҳаракатлари Яқин Шарқ можаросига, Ироқдаги урушга, Эроннинг атом энергетикаси дастурига, ғарб демократияси ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ даъволарга муносабатларда, шунингдек бошқа масалаларда ҳам қўриш мумкин.

Улар нафақат БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгашида, балки бошқа халқаро ташкилотлар тартибидан ҳам ўзаро мувофиқлаштирилган сиёсат олиб боришяпти. Бунга Шанхай

Қамоқхонадаги исён

Грузиянинг Тбилис шаҳридаги қамоқхонада маҳбуслар ва полиция ўртасида тўқнаш содир бўлди.

Хабарларга кўра, маҳбуслар тартибсизликлар уюштириб, оммавий қочқинлик режалаштиришган. Полиция тартибсизликларга нисбатан қурол ишлашишга мажбур бўлган ва 6 нафар маҳбус отиб ўлдирилган. Грузия адлия вазири Гия Кавтарадзенинг таъкидлашича, бу қўзғолан аввалдан режалаштирилган бўлиб, Грузиянинг барча қамоқхоналарида исён кўтариш кўзда тутилган. Айрим хабарларга кўра, полиция ходимлари орасида ҳам қўрбонлар бор.

Гаровдагилар озод этилди

Нигерияда жангарилар томонидан асир олинган уч нафар АКШ фуқаросининг озод этилди.

Шу йилнинг 18 февралда "Нигерия дельтаси озодлиги" ҳаракати вакиллари Shell компаниясининг 9 нафар хоржий ходимларини ўғирлаб кетган эди. Улардан 6 нафари кейинчалик озод қилинган. Жангарилар гаровдагиларнинг озодлиги эвазига Нигерия нефт захираларининг катта қисмини назорат қилиш ҳуқуқини талаб этишяётган. Уларнинг истаги қондирилган-қондирилмаганлиги хозирча номаълум.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 28 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғноча ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйдаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	856,08	1 Поляша злотийси	374,83
1 Англия фунт стерлинги	2112,66	1 СДР	1735,89
1 Дания қронаси	195,39	1 Туркия лираси	904,88
1 БАА дирҳами	329,74	1 Швейцария франки	924,86
1 АКШ доллари	1210,00	1 ЕВРО	1457,57
1 Миср фунти	211,08	10 Жанубий Корея воно	12,38
1 Исландия қронаси	16,56	10 Япония иенаси	103,68
1 Канада доллари	1035,78	1 Россия рубли	43,45
1 Хитой юани	150,85	1 Украина гривнаси	239,60
1 Малайзия рингити	327,78		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Шарҳ

Хамкорлик Ташкилоти доирасидаги самарали ҳамкорликни мисол қилиб қўрсатиш мумкин. БМТ доирасидаги ҳамкорлик эса жаҳон кун тартибидан турган масалаларни ҳал этишда бу икки давлат қай даражада улкан салоҳиятга эга эканлигини бутун дунё кўриб турибди. Уларнинг иштирокисиз ва овозсиз ҳеч нарса ҳал бўлмайди. Шунинг учун ҳам икки давлат ўртасида турли даражадаги доимий мулоқотлар ўрнатилган.

Энг муҳими, ўзаро мулоқотларда ишонч ва ишанчлик муҳити ҳукмрон. 2006 йил Хитойда Россия йили, деб эълон қилинди. Ана энди турли соҳалардаги алоқалар янги мазмун билан бойийди. Хитойликлар россияликлар билан янада яқинроқ танишадилар, ишончли ҳамкор ва синовдан ўтган дўстларининг илиқ хароратларидан баҳраманд бўладилар. Шубҳасиз, 2006 йил учун белгиланган тадбирлар - учрашувлар, мулоқотлар, анжуманлар, семинарлар, фестиваллар, қўрғазмалар ва концертлар икки давлат, икки халқ, икки ҳамкор ўртасидаги ишончли янада мустаҳкамлаб, кўп томонлама алоқаларни яна ҳам кенгайтириш ва ҳамкорликни юксак поғонага кўтариш учун туртки беради.

Иброҳим НОРМатов, сиёсий шарҳловчи.

UZEX.COM UYRTOSB

(Боши ўтган сонларда)
Ўзбекистон тарихида
сўнгги минг йилликда
юз берган ижобий воқеаларнинг аксарияти айни
балиқ йилларида содир
бўлган.

Чунончи Фарғона водий-
сининг гўзал шаҳарларидан
бири Андижонга (1291-1306
йиллар) ҳукмдор Дувахон то-
монидан асос солинган. Тур-
ганда (Кўна Урганч) Маъ-
муноҳ томонидан (1004)
«Дорул Хикма» (академия) дав-
лат таъминоти олинган.

1784 йили рус денгизчи-
лари Алякса Ярим оролини
кашф этганлар. 1844 йили
телеграф итиро этилган ва
хоказо. Бир сўз билан айтган-
да, балиқ йилида бошланган
ишлар ҳаминча самарали
бўлган ва доимо яхшиликка
йўл очган.

Илон йили
Илон судралувчилар
оиласига мансуб бўлиб, асо-
сан иссиқ мамлакатларда
кең тарқалган. Уларнинг
2500 дан зиёд турлари маъ-
муноҳ асосида 10 метр-
гача етди. Мамлакатимизда
илонларнинг кум-чўл ило-
ни, қора илон, ўк илон, кап-
ча илон, чинқироқ илон, за-
харли ва захарсизлари уч-
райди. Илонлар зарарли
ҳашаротларни еб, кишлоқ
ҳўжалигига фойда келтирса,
парранда ва кичик ҳайвон-
ларни еб зарар ҳам етказ-
ди.

Яқинда Кўна Хоразмнинг
Кердор қалъасидан жаҳон
медицина фани ва амалиёт-
нинг ягона тисмолига ай-
ланган қадимги эмблема
топилиди. Унда вазага чирма-
шиб, оғзидан захар томиза-
ётган илон шакли акс этган.
Манбаларда кўрсатилишича,
жаҳон фотиҳи Александр
Македонский (э.а. 329-327
й.) «Авесто» қўлэмасининг
тиббий, тарих ва географи-
я доир қисмларини Платон
Академиясига устози
Арастуға (Аристотел) хўнат-

ган. Шу тарих бизнинг мам-
лакатимизда 3 минг йил ав-
вал расм бўлган илон зах-
ридан амалиётда фойдала-
ниш тажрибаси бутун дунё-
га юнон илму-хикмати тар-
зида тарқалган.
Дунё халқлари адабиёти
ва санъатида илон билан
боғлиқ афсона ва ривоятлар
жуфта кўп. Илон – ҳазина
қўриқловчи, доно, айёр,
қасд олувчи, бир ямлаб
икки ютувчи, оғзидан олов
пуркайдиган дахшатли куч
сифатида тасвирланади.

Улуғбек ўғли Абдуллатиф
томонидан қатл этилган.
Ишонинг ижобий хусусият-
ларидан кўз юмиб бўлмаган-
дек, дунёга машхур Ч.Дар-
вин, Рим императори Юлий
Цезар, атоқли меймор В.И.-
Баженов, хитойликлар
йўлбошчиси Мао Цзе Дун,
Ўзбек фарзанди Ш.Рашидов
каби шахслар айни илон
йилида туғилган.

От йили
Тарихий манбаларнинг гу-
воҳлик беришича, от инсон-

манларини от солиб қувган-
лигини ўқигансиз ёки эшит-
гансиз.
От мучал йили тартибиде
еттинчи ўринда туради. Ин-
соният тарихида от йиллари-
да содир бўлган воқеалар-
нинг аксарияти яхшилик
билан бошланган ва ғалабалар
билан якунланган. Масалан,
554 йилда Энасой (Енисей)
ва Шарқий Туркистон кенг-
ликларида яшаб келган
кўчманчи уруғлар бирлашиб,
Фарбога томон от солганлар
ва Аму, Идил (Волга), Дон,

Темур от йили (1402) турк
султони Боғрид лашкарини
тор-мор келтириб, Европада
50 йил тиричлик ўрнатилган
хизмат қилган. 1582-от йи-
лида Рим папаси Европада
Григорий календарини жорий
этган, 1618 йили тер-
мометр итиро қилинган.
Галилео Галилей томонидан
галеоцентризм таълимоти
яратилган. XVIII-XX асрларда
кечган от мучали йиллари
ҳам талайгина хайр-саховат-
ли воқеаларга бой бўлган.

Кўй йили
Инсоният тарихида кўлга
ўргатилган биринчи ёввойи
ҳайвон – кўй-қўзичоқлар
хисобланади. Ибтидоий жа-
моа тузумининг дастлабки
босқичларида эркаклар таби-
ятдаги тайёр маҳсулотларни
териб истеъмол қилишдан
жамоа бўлиб овчилик касби-
га ўтган даврларда тоғ ва йи-
ловларда ўтлаб юрган ёв-
войи тоғ ҳайвонлари – муф-
лон, архар, қийик, жайрон,
кўй-қўзичоқларни аёллар ва
болаларга тирик ҳолда совға
(уйинчоқ) тарзида келтирил-
ган. Кўй-қўзичоқ, эчкилар шу
тариха уй ҳайвонига айлан-
ган, яъни хонақиллаштирил-
ган.

Жаҳон халқлари тарихида
якка ҳудудлик таълимоти-
ни яратган буюқ аллома Зар-
душт ўзининг табаррук «Авес-
то» китобиди 4 жонивор – ба-
лик, қўй, от ва итти илоҳий
(жаннатий) ҳайвонлар, деб
таърифлаган. Марказий Осиё-
да, Эрон, Озарбайжон, Поки-
стон, Туркия ва Хиндистон-
нинг айрим вилоятларида
қўй, қўчқор, от ва итга ҳур-
мат-эътиҳод (культ) билан
қараш хозиргача сақланиб
қолган.

Комилжон НУРЖОНОВ,
«Олтин мерос» Хоразм
вилояти хайрия
жамағмаси раиси.
(Давоми бор)

SPORT O'LAMIDA

Навбатдаги галаба

24 март куни профессионал боксинг
суперогир вазнида «жанглар ўтказиб-
тган ҳамюртимиз Тимур Ибрагимов ўзи-
нинг навбатдаги олишувини ўтказди.



АҚШлик Кенни Крейвенга қарши рингга
чиққан Тимур рақибини дастлабки икки
раунддак қийин вазиятга солиб қўйди.

Ўз имкониятини вақтида баҳолаган Крей-
вен учинчи раундда ринг марказига келиш-
дан бош тортиди. Шу тариха Тимур ўзининг
кучлилар қаторидаги 22-жангида ҳам галаба
қозонди.

Хамюртимизнинг кейинги «мушласув»и
24 июнда АҚШда ўтказилди ва унда таник-
ли америкалик суперогир вазни чарм қўлқоп
устаси Кельвин Брокка қарши рингга кўта-
рилиши мумкин.

Дилором бронза соҳиби

Москвада самбо бўйича А.А.Хар-
лампур хотирасига бағишланган XXVII
халқаро хотира турнири бўлиб ўтди.



Фазаилдин Пулатов мураббийлигида мусо-
бақада иштирок этган вакилларимиздан энг
юқори натижани 80 килограмм вазн тоғфа-
сида Дилором Қамбарова қайд этди.

Олтин ва кумуш медалларини Анастасия
Цуварева ва Анастасия Компанец қўлга ки-
ритган ушбу вазн тоғфасида хамюртимиз
бронза медали билан тақдирланди.

Эрақлар ўртасидаги баҳсларда Шохруҳ
Шуқуров (62 килограмм) қучилар қаторидан
жой олди. У бронза учун кечган қурашда рос-
сиялик Александр Абрамовга имкониятни бой
берди.

«Пахтакор» ҳозирча пешқадам

26 март куни футбол бўйича Ўзбеки-
стон чемпионати олий лига жамоала-
ри ўртасида 3-тур учрашувлари бўлиб
ўтди.

Унда чемпионат пешқадамларидан бири

бўлиб турган Тош-
кентнинг «Трактор»
клуби сафарда «Ан-
дижон»га қарши
майдонга тушди.
Кескин курашлар
остиде ўтган мазкур
ўйин 2:3 ҳисобида
пойтахтлик футбол-
чилар фойдасига
ҳал бўлди.

Қаршида ўтган
«Насаф» ва «Метал-
лург» клублари
ўртасидаги учрашув
ҳам голларга бой бўлди.
«Насаф» ўйингоҳида
йиғилган футбол мух-
лислари бу бела-
лушда бешта гол гувоҳи
булишди. 0:2 ҳисобида
имкониятни бой бе-
раётган мезбонлар
сўнгги дақиқаларда
киритилган уч тўп
эвазига керакли
ғалабани қўлга
киритишди – 3:2.

«Кизилкум» ўз майдонида «Самарқанд-
Динамо»ни 2:0 ҳисобида мағлуб этган бўлса,
«Хоразм» 0:5 ҳисобида «Навбахор»га им-
кониятни бой берди. «Сўғдиёна» – «Тупаланг»
ўйини 0:0 ҳисобида якунланди. Пойтахтнинг
яна бир клуби «Локомотив» эса «Шўртан»-
дан 1:0 ҳисобида устун келди.

«Пахтакор» ва «Нефчи» клублари кеча ўза-
ро куч синашди. «Пахтакор» марказий ўйин-
гоҳида ўтган мазкур учрашувда 3:0 ҳисоби-
да мезбонлар галаба қозонишди. Шунинг-
дек, «Бухоро» ва «Машъал» жамоалари ўрта-
сидаги кеча ўтган ўйинда муборакликларнинг
қўли баланд келди.

Хозирча уч ўйинда уч ғалабани нишонла-
ган «Пахтакор» ва «Трактор» клублари 9 оч-
қодан жамғариб XV чемпионатда етакчилик
қилмоқда.

«Андижон» – «Трактор» ўйини анча аса-
бий ўтди. Мазкур учрашувни бошқарган
ҳаҳам Х.Мухторов саккиз футболчиға сарик
карточка кўрсатди.

Льюис яна рингга чиқади

Олдин хабар берганимиздек, ёзда
Австралида суперогир вазни боксчи-
лар ўртасида «Superfighter» шоуи
ташқиллаштириш режалаштирилган.
Мутасаддилар ана шу шоу баҳслариға сак-
киз нафар таникли чарм қўлқоп усталарини
жабб этиш ҳаракатида юришибди.

Жорий йил-
нинг 8 июлида
ўтадиган маз-
кур ўзига хос
шоу кечасида
саккиз боксчи
олимпия тизи-
мида бир-бири-
га қарши жанг
ўтказида.
Хориж ОАВда
пайдо бўлаёт-
ган хабарлар-
да, Майк Тай-
сон, Жеймс
Тони каби
боксчилар иш-
тирокчилар
қаторидан жой
олиши маълум
қилинмоқда.

Шунингдек,
суперогир вазнида
собиқ мутлак жаҳон
чемпиони Леннокс
Льюис ҳам шоуда
иштирок
этиши мумкин.

Айни кунларда Буюк британиялик бокс-
чи билан мулоқот олиб борилмоқда ва таш-
қилчилар бу уринишлар беҳуда кетмас-
лигини умидвор. Мухлисларға эслашиб ўта-
миш, «Superfighter» шоуида рақиблар бир-
бириға қарши тўрт раундлик жанг ўткази-
шади.

Фазаилдин АБИЛОВ тайёрлади.

Олий ҳакам

Шунинг учун бўлса керакки,
тарихида илон йилида содир
бўлган турфа ижтимоий
ҳодисаларни ижобий ёки
салбий, деб баҳолаш қийин.
Чунончи 1905 йил Россия-
да қонли яқшанба, 1917
йилда Октябр тўнтариси,
1929 йилда бошланган ик-
тисодий бўҳрон ва «Еппасига
коллективлаштириш» сиёса-
ти, 1941 йилда Германия-
нинг собиқ СССРға ҳужуми,
1953 йил Сталин вафоти,
1965 ва 1977 йиллардаги
қурғоқчилик, 1989 йилги
Фарғона, Кўкон фожиялари,
2001 йилги қурғоқчилик ва
бошқа офатлар илон йили-
да содир бўлган. Илон йи-
лида Маҳмуд Газнавий
(1017) Хоразмни забт этиб,
хунарманд ва улуг аллома-
ларнинг ўз юртиға мажбуран
олиб кетган. Романовлар су-
лоласи вакиллари ва АҚШ
президентларидан ўн киши
хаётиға суиқасд уюштирил-
ган ёки тахтдан ағдарилган.
1449 илон йилида Мирзо

лар томонидан хонақиллашти-
рилган дастлабки ҳайвон-
лардан биридир. У эрадан
олдинги 3-5 мингинчи йил-
ларда кўлга ўргатилган. Ак-
сарият олимлар отларнинг
илк ватани Марказий Осиё
ва улар кейинчалик Европа,
Африка мамлакатларига
ёйилган деб ҳисоблашади.
Отларнинг тури 200 дан
зиёд. Буйи 50-185 санти-
метр, вазни 50-1500 кило-
грамм келадиган сотдор
хиллари ҳам бор.

Днепр, Дуна (Дунай) дарё-
ларини кечиб, Европа мар-
казига етиб борганлар. Та-
рихда улар «Буюк турк
хоқонлиги» деб номланади.
Хозирги венгерлар (можар-
хунгерлар), ромалилар (Ру-
миния), осетинлар, гагауэлар
(қора ўғиллар), Албания ва
Югославияда яшовчи тур-
кий уруғлар бундан 15 аср
илгари Шарқдан кўчиб бор-
ган чорвадор авлод-аждод-
ларимизнинг вакиллари-
дир.
От йили дунёға келган
ларнинг аксарияти забар-
даст, акли, омадли инсон-
лар бўлишаркан. Миллий
қаҳрамонимиз Жалолоддин
Мангуберди, Хуросон ҳук-
мдори Хусайн Бойқор, тему-
рийлар вакили Шайбон Мух-
аммад, буюк аллома Баҳо-
вуддин Нақшбанд, кимё фа-
нининг намоёнаси Дмит-
рий Менделеев, АҚШ прези-
денти Франклин Рузвельт ва
бошқалар от йилида дунёға
келганлар.

27 март — Халқаро театр куни

Биз орзу қилган театр

Айтишларича, устозимиз Ога – Ман-
нон Уйғур 1914 йилда тузган театр
труппаси билан ўзи ёзган биринчи пьес-
сини Шайхонтоҳурдаги уйда қўйиб
берган, ана шундай илк спектакллари-
дан яна бирини эса Пшибозорда арава-
лардан бир-бириға тиралган «сахна»
қўйиб намойиш этган экан.

Хозирда сизу биз билган театр санъати ана
шунчака шайхонларда дунёға келган десак,
кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Аммо бу бор
ҳақиқат.

Тошкентнинг Эскиқўва қисмидаги Махси-
дўзлик кўчасидаги бир кўна бино халқимиз бор.
«Турон» театр труппасининг илк спектакла-
ри 1916 йили ана шу ерда, ертўлада ўйна-
лган. Аббор Ҳидоятлов номидаги драма театри
биноси ўрнида эса илгари клуб бўлиб, уни
1928-1929 йилларда тошкентлик Саидзамийбой
қурдириб берган экан.

1937 йили ўзбек театри учун янги бино
қурилиши лойиҳалари тайёрланди. Аммо кўп
ўтмай бошланган уруш туфайли бу ишлар
қолиб кетди. Айрим маълумотларға қараган-
да, ўша кезлари Хадрадаги «Ватан» кинотеат-
рини театр биноси учун қайта таъмирлаш ҳам
кўзда тутилган экан.

Эсимда, «Маликаи Турандот» спектакли
ўйналаётганда машхур комик актёр Миршохид
Мироқилов оғбиде пийма, бошида қалпоқ, э-
гинда почалусти билан сазанга чиққан ва Хожи
Сиддик Исмолов: «Ие, Миршохид, куннинг
иссиғида қайққа кетайсан?» – деса, Миршохид
ака «Ҳамза театриға», деб жавоб берган
эди. Хозирхаваблик билан топиб айтилган бу

ҳазил театримиз биносининг иситилмаганига
ишора бўлганди. Шу куни шаҳар раҳбарлари
ҳам томошаға тушишган экан. Шу шаъма ба-
хона, кўп ўтмай театриға тўртта «голланд» пьес-
каси ўрнатилган ва кўмир келтирилган.

Аббор Ҳидоятлов Отелло ролиға чиқиши
олдидан театр ҳовлисида пўхак қайнатиб,
қора суюқлик тайёрлаш ва у бутун баданини
бўяб сахнаға чиқарди. Кейин бошқа
қозонда сув қайнатилиб, Аббор Ҳидоятловнинг
қовинишига тайёрлирик қуриларди.

Кискаси, осон бўлмаган. Хар кун иш ба-
дани қора рангга бўяш ва ювинишни тасаввур
қилинг-а!

Юқоридагиларни эслашимдан мақсад –
театр, энг аввало, маданият маскани экан-
лигини қайд этишдири. Маданият масканида
эса ҳамма нарса талабға жавоб бериши, актёр-
ларға ҳам, томошабинларға ҳам қўлай
шарт-шароит бўлиши керак.

Шу маънода, театримиз ўрнида янги санъат
қошонининг қад ростлашнинг хар қачна
таърифласак арзийди. Биз, кечса авлод ва-
киллари, узоқ йиллар давомида шунчака театр
биносини орзу қилиб яшадик. Шукрим,
Юртбошимизнинг санъатта, санъаткорларға
бўлган ҳурмат ва эътибори туфайли бунга
эришидик.

Биномиз қандай шароити қўлайликларға
эга эканлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтир-
майман. Марҳамат, қизиққанлар келишсин,
ўз кўзлари билан қўришсин.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

Трихограмма, олтинкўз, бракон энтомофаглари сотилади

Тошкент ўрмон хўжалиги ғалла, сабзавот, ғўза ва бо-
шқа кишлоқ хўжалиги экинлари зараркундаларига
қарши биологик курашишда қўлланаладиган трихог-
рамма, олтинкўз ва бракон энтомофаглари маблаг
ўтказиш ёки нақд пулга сотишини маълум қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир
тумани, Ж.Остонов кўчаси, 15-уй.
Тел.: 192-97-62; 192-99-06.

Утеранный гос.ордер 01-02/5124 от 04.02.1993 г. права
собственности Шапошников Сергей Павлович на квартиру,
считать недействительным.

Тошкент шаҳар Ер муносабатлари ва кўчмас мулк када-
стрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан 2004
йили Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Паркент кўчаси, 74-уй,
«Паркент иктисослашган базори» ОАЖ ҳудудидаги №1 тур-
гун гўшт савдо дўкони эгаси Султанов Абдулла Хаджиму-
ратовичға берилган №4-686/2004 реестр рақамли бино ка-
дастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ағитай АДДИЛОВ,
Уктам БАҲРОЕВ, Фахриддин
КАЛОҲОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ,
Суннат САЙДИЛИЕВ, Ҳабиб
ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон
Республикаси Агростанот
комплекс тарихидаги
ҳамда шу тармоқда
дахлдор вазириликлар ва
идоралар
ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва жамоатчилик
билан алоқалар бўлими –
136-58-83, 136-56-25,
Котибият – 133-95-17,
Реклама ва эълонлар –
133-44-43, 136-54-44, 133-28-04,
Факс – 133-44-43, 133-40-87
ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-
35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-
22-644-61; Жиззах – 8-372-22-806-34; Наманган – 8-436-
22-60-525; Мамаган – 8 – 369-41-234-23; Фарғона –
8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57;
Сурхондар – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-
813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-
623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.
Реклама ва
эълонлар
матни учун
бюджетмачи
жавобгар
h - тижорат
мақола
МАНЗИЛИМИЗ:
700083,
Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй
Навбатчи:
С.РАҲМОҲОНОВ
Саҳифаловчилар:
Р.ЕДҲОҲОВ,
А.САҲОНОВ
Мусаҳиҳ:
Ҳ. ТОШҲУҲАЕВ

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркағичлар КЕРАКМИ?

«Узқишлоқмашхолдинг» компанияси таркибидаги
«AGRIDIM» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида иш-
лаб чиқарилаётган олти хил – пахтачилик-боғдорчилик
учун «VP-1» русумли пуркағич-чангитчи, шунингдек
«Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора»,
«Асусена» пуркағичларига «Узстандарт» агентлигидан
сертификатлар берилган. Улардан саккиз илдан бери
муваффақиятли фойдаланилапти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовли-жойлардаги да-
рахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли химоя қил-
моқчи бўлсангиз, шу қўлай, самарали пуркағичлардан фойдаланинг. Чорва-
чилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жум-
ладан парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркағичлар яхши самара беради. Тад-
биркорлар бу пуркағичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрохимик хизмати
кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркағичларни маблаг ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш
мумкин. Қўшма корхонада пуркағичларни тузатиб, таъмирлаб
бериш имконияти бор.

Манзил: Тошкент, С.Машаҳад кўчаси, 210-уй. Мўлжал: Шам-
пан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел.: (998-71) 169-
49-33, 169-49-44 (тел-факс), 169-35-46 (тел-факс)
e-mail: agrichim@mail.st.uz

Ўзбекистоннинг йуриқ
ва универсал банкларидан
ХАЛҚ БАНКИ

Мижозларға янги
«БОЙЧЕЧАК»
омонат турини
таклиф этади.

Омонатға пул маблағлари уч ой муддатға
камиде 100 000 сўм
миқдорида, йиллик 23 фовиз миқдорида
даромад қўлаш шарт билан Халқ банкининг
барча муассасалари орқали қабул қилинади.

Омонатгини ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!

Ўзбекистон Давлат жаҳон тили-
лари университети томонидан
2004 йил 1 июлда Абдушайдова
Зиёдаҳон Абдувахидовна номига
берилган В № 013681 (рўйхат ра-
қами № 645/04) рақамли диплом
йўқолганлиги сабабли бекор қили-
нади.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси жамоаси Тадбир-
корлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал де-
мократик партияси ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Ко-
муничилик палатаси парламентлараро муносабатлар қўмитаси
раиси Мухаммадсуф Тешабоевға падади бузурқвори
Муталижон ҲОЖИ ОТАНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.